



**EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!**

**1-OKTABR – O‘QITUVCHILAR VA  
MURABBIYLAR KUNI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

**URGANJ DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI**



**2017-9**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **Ilm sarchashmalari**

Jurnal OAK Rayosatining 2013-yil 30-dekabrdagi 201/3-son qarori bilan fan doktori ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan 10.00.00. – filologiya fanlari bo'yicha ilmiy maqolalar e'lon qilinishi lozim bo'lgan respublika ilmiy jurnallari ro'yxatiga kiritilgan.

**9.2017**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2017**

**“ILM SARCHASHMALARI”**  
**ilmiy-metodik jurnal**

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	<b>TAHRIR HAY‘ATI:</b>
<b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b>	<b>ABDULLAYEV Bahrom</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ikrom</b> , biologiya fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor, <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>ALEUOV O‘serboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>DADABOYEV Hamidulla</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>DAVLETOV Sanjarbek</b> , tarix fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), <b>DO‘SCHONOV Tangribegan</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>ERMATOVA Jamila</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>HASANOV Oqnazar</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>HAJIYEVA Maqsuda</b> , falsafa fanlari doktori, <b>ISMAILOVA Shamsiya</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent, <b>JO‘RAYEV Mamatqul</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b> , texnika fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYOZOV Otaboy</b> , filologiya fanlari nomzodi, professor, <b>NAVRUZOV Qurolboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>OLLAMOV Yarash</b> , yuridik fanlari nomzodi, dotsent, <b>OTAJONOV Ilhom</b> , geografiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>PRIMOV Azamat</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>QILICHEY Ibodulla</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor, <b>QUTLIYEV Uchqun</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>QURAMBOYEV Karimboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZIMBOYEV Safarboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZIYEV Erkinboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZMETOV Baxtiyor</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SADULLAYEV Azimboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>SALAYEV San‘atbek</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SATIPOV G‘oipnazar</b> , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, <b>SOBIROV Quranboy</b> , tarix fanlari nomzodi, dotsent, <b>XODJANIYOZOV Sardor</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas‘ul kotib), <b>YAXSHIMURODOV Alisher</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>YOQUBOV Jamoliddin</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>G‘AYIPOV Dilshod</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>SHUKURLAYEV Qodir</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor.
<b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b>	
<b>222 9 (123)</b>	

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

Тўғри, мавзулар ижодкор учун имконият, воқеликка нисбатан эстетик муносабат ифодаси учун объектдир. Бу муносабат шоирнинг дунёкараши, ижодий истеъдоди, мавзуга ёндашиши, уни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги каби омиллар орқали юзага чиқадиган жараёндир. Бунда, табиийки, ижодкорнинг субъективизми, шахсий майл ва хошироодаси муҳим аҳамият касб этади ва бу ҳол танланган объектнинг тасвир ва ифода йўлларида намоён бўлади. Мавзулар характери шоир мақсади, ижодкор салоҳияти ва тажрибасига кўра йўналишлар ҳам турличадир.

Хуллас, истиклол даври шеърятда қайд этилган турли авлод ва услуб намоёндалари асарларида оламни поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

**Дилноза Тўраева (Гулистон Давлат университети)**  
**ХАРАКТЕР ЯРАТИШДА ЁЗУВЧИ МАҲОРАТИ МАСАЛАСИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада тарихий қиссаларда образлилик масаласи қиёсий-таҳлилий услуб орқали ўрганилган. Асад Дилмуроднинг “Шердор” қиссаси икки навири асосида образлар психологизми ва ёзувчининг бадиий маҳорати масаласи тадқиқ этилган.*

***Аннотация.** В статье исследованы проблемы художественного образа методом сопоставления в исторических повестях. А также исследуется проблема психологизма образов и мастерство в повести “Шердор” Асада Дилмурода.*

***Annotation.** The task of images in historical novels were learned in the article by comparative historical style. The task of character’s psychology and the writer’s artistic skills has been investigated on the basis of Asad Dilmuradov’s “Sherdor” story.*

***Калим сўзлар:** миллий наср, эстетик идеал, образ, психологизм, қисса, мажозийлик, драматизм, тугун, кульминация, персонаж, бадиий тўқима, тарихий ҳақиқат, услуб.*

***Ключевые слова:** национальная проза, эстетический идеал, образ, психологизм, повесть, иносказательный, драматизм, узел, кульминация, художественный вымысел, историческая правда, метод.*

***Key words:** National prose, aesthetic ideal, character, psychology, novel, allegory, dramatizm, problem, climax, artistic composition, historical truth, method, character.*

Сўз санъати сирини теран англай олган миллий насримизнинг етакчи адибларидан бири Асад Дилмурод ижоди бугунги кунда ўрганилиши зарур мавзулардандир. Адибнинг аксар асарлари, у қайси мавзуда яратилмасин, танланган мавзу моҳияти теран тасвирлар орқали очиб берилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, унинг тарихий мавзудаги “Шердор” қиссаси ҳам ёзувчи эстетик идеали асосига йўғрилган бадиий пухта асарлардан дейиш мумкин. “Тарихий асарлар маълум бир давр ҳаёти ҳақида, миллий ҳаётда бурилиш нуқталари бўлиб қолган йирик воқеалар ва уларда иштирок этган шахслар ҳақида конкрет, тарихан ҳаққоний тасаввур беради, Зотан, бу хусусият тарихий асар олдида қўйилган асосий талаблардан биридир”.<sup>1</sup>

Асарда тарихий ҳақиқатнинг бадиият сари юз тутиши, унинг бадиий ҳақиқатга айланиши ёзувчи маҳорат майдонининг нечоғли кенглигини намоён этади. Ёзувчи учун ўтмиш қатларини ўзлаштириб, воқеликни акс эттириб бериши ёки тарихий фактларни келтириши билан бадииятга яқинлашиши анча мушкул. Бадиий олам бунга ўзига сингдира олмайди. Бу тасвирлар унга фактик асос бўла олади, холос. Унга, аниқроғи, тарихий ҳақиқатга “жон” ато этиш эса ёзувчи маҳорати билан боглиқ жараёндир. “Бадиий ҳақиқат оғриқлар замирида тугилади, оғриқлар эса, шубҳасиз, кўнгил иқлимида, қолаверса, руҳият ва сезимларда кечадиган эврилишларга қоришиқ бўлади, уларни юзага олиб чиқиш ва

<sup>1</sup> Акрам Каттабеков. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. Тошкент, “Фан”, 1982, 6-бет.

асар архитектоникасига сингдириб юбориш чиндан ҳам игна билан кудук қазимок демакдир”.<sup>1</sup>

Ёзувчи “Шердор” қиссасида тарихий ҳақиқат асос бўлган оғриқлар замирида бадиий ҳақиқатни ярата олган дейиш мумкин. Адиб бу қиссасининг дастлабки вариантини 1986 йилда ўзининг айтишича, тўрт ой давомида ёзади. У, дастлаб, “Ёшлик” журналида босилиб чиқади. Кенг китобхон қалбидан жой олган ушбу ижод маҳсули ҳақида шоира Зулфия адибга хат ёзиб, ўзининг ижобий фикр-мулоҳазаларини баён этганлиги ҳам маълум. Орадан анча вақт ўтгач, адиб “Шердор” қиссасини яна қайта ишлаб, 2009 йилда “Мезон буржи” номли китобига киритади. Қиссанинг ҳар иккала варианты ҳам айрим жиҳатларини ҳисобга олмаганда, деярли бир хил. Лекин баъзи ўринларига ўзгартиришлар киритилган. Иккала вариантда ҳам яққол кўзга ташланувчи муҳим муштараклик, асар бадииятининг юксаклиги – тарихий ҳақиқатни юксак маҳорат билан бадиият сари йуналтирилганлиги. Қиссадаги образлар оламининг ўзига хос тарзда яратилиши ундаги, руҳият тасвирининг тўлақонли акс этиши, энг муҳими, инсон деган тушунча моҳиятини англаштига ундаши эътиборга моликдир. Адиб кўнги қўридан сизиб чиққан, унинг оташида тобланган туйғуларни акс эттиргани учун ҳам, бу асар китобхон кўнглидан ўрин олади. Зеро, “бадиий тасвирда оғриқли ва оташин кечинмалар гавҳардек товланиб туриши, яъни маҳорат ўзанида изтироблар билан тафаккур туташуви рўй бериши мақсадга мувофиқдир, негаки, фақат шундай ҳолатларда сезиларни жунбушга солувчи ҳужумкор, психологик бўҳрон содир бўлади”.<sup>2</sup> Асардаги реал тасвирлар ёзувчи эстетик идеали билан омихта ифодаланади. Натижада дилга яқин асар юзага келади. Асар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун “Шердор” қиссасининг иккала вариантини солиштирган ҳолда баъзи бир ўринларини таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун миллий насримизда истиқлол туфайли эрк, қадриятлар, ўтмишимиз, кўхна тарихимиз ва келажакимиз ҳақидаги эркин фикрлар ўз аксини топмоқда. “Шердор” қиссасида ҳам айнан шундай фикрлар акс этган. Асар воқеалари очик осмон остидаги зиё-ратгоҳ саналмиш кўхна Самарқанд заминидан бўлиб ўтади. Унда Регистон юраги бўлган Шердор мадрасасининг қурилиши, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити қаламга олинади. Шу билан бирга, буюк обиданинг бунёд бўлишидаги миллат фахри саналмиш устахунармандларнинг меҳнати, уларнинг кўнги кечинмалари, руҳий изтироблари акс эттирилади. Асарнинг бош қаҳрамони – Муҳаммад Аваз Самарқандий. У ўз даврининг обрў-эътиборли, иймон ва эътиқодли кишиларидан Бобо Миршарофнинг ўғли. Ёзувчи асар бош қаҳрамонини ўта ҳаётий, жонли тасвирларда ҳаракатга келтирадики, у асарнинг марказий образи сифатида бошқа қаҳрамонларни ўз атрофида бирлаштира олади. Адиб маҳорати шундаки, энг аввало, бу образнинг кўнги оламини кашф этади, қалбини очади. Бундай лавҳалар учун бадиий ифода усули ёзувчи томонидан пухта ишланган. “Ифоданинг залворли бўлиши жуда муҳим, чунки бадиий асарда тасвир руҳи унинг ифода оҳангидан пайдо қилинади. Аммо тасвир залворига зўракилик билан сунъий равишда эришилмаслиги керак”.<sup>3</sup> Асардаги ҳар бир образ, хатто кичик персонажгача табиий ва жонли. Шундай реал образлар сирасига Муҳаммад Авазнинг устозларидан бўлган устозлар устози бўлмиш Муҳаммад Дарвеш Самарқандий, мулла Абдужаббор, ҳакиму ҳозиқ Абдумалик Давоий ва ҳокимлик тожини кийган Абу Карим Бойхожи ўғли Ялангтўшбий Баҳодир ҳамда унинг суюкли қизи Моҳбону кабиларни киритиш мумкин. Уларни акс эттиришда ёзувчи қаҳрамонларнинг ўзига хос жиҳатига, хусусан, ички дунёсини яратишда бадиий жиҳатларига алоҳида эътибор берган. Асар образлари жонли ва табиий гавдалантирилган. Масалан, Муҳаммад Авазнинг маҳоратли уста бўлишининг асослари асар бошида берилади. У туп-

<sup>1</sup> Асад Дилмурод, Аъзамжон Ҳамроқулов. Ҳақиқат оғриқлар замирида туғилур. Тошкент, “Ёшлик”, 2010, 9-сон, 8-бет.

<sup>2</sup> Асад Дилмурод, Тўйғу ва тафаккур бирлашган ўзан. Тошкент, “Ёшлик”, 2010, 10-сон, 7-бет.

<sup>3</sup> Қозокбой Йўлдошев. Ёниқ сўз. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006, 44-бет.

туйқусдан катта уста бўлиб қолмайди. Муҳаммад Аваз ёшлигида волидаси Назокатбону билан падари бузруквори Бобо Миршароф дардига шифо тилаб, Шоҳизинда паноҳидаги қилган илтижолари, ҳатто отаси вафотидан кейин ҳам улар бу муқаддас даргоҳни тарк этмаганликлари... Худди мана шу онлардаги ҳар бир кун, у учун ўзгача. Буюк обидаларнинг маҳобати унда акс этган ислимий нақшларнинг мафтункорлиги, қўйинги, жозибаю сир-синоатга тўла биноларнинг сеҳри мурғак қалбдаги асори-атиқаларга бўлган қизиқиш, уларни ўрганишга бўлган иштиёқини уйғотган бўлса, ажабмас. Муҳаммад Авазнинг ўша олис болалиқдан бошланган қизиқиши уни ёруглик, комиллик сари чорлаганлиги. Натижада устоз даражасидаги уста бўлиб етишганлиги асарда маҳорат билан акс эттирилган. Асарда ёзувчи устоз-шогирд анъанасига ҳам алоҳида ўрин ажратади. Муҳаммад Аваз кўхна обидалар сеҳрига асир бўлгандан буён шу олам ичида яшайди, ундан куч, мадад олади. Устозлари мулла Абдужаббор ва Муҳаммад Дарвеш Самарқандийнинг ўғитлари унга ҳар қадамда асқотади, уларга амал қилиб иш юритади. У устозларидан олган бутун илму хунарини Шердор мадрасасининг қурилишига бахшида этади. Бутун борлигини меъморлик ва наққошлиққа багишлайди. Адиб томонидан меҳнаткаш ўзбек йигити тимсоли реал чизгилар орқали акс эттирилади, бу образ билан боглик психологик ҳолатлар ҳам унинг характери очилишида яна-да қўл келади.

Қиссанинг сўнгги нашрида олдинги нашрга қараганда психологик тасвирлар яна-да бойитилган. Масалан, Муҳаммад Аваз Моҳбону суратхонасига йўл олар экан, руҳиятида кўрқув аралаш ҳижрон акс эттирилган. Қиссанинг биринчи нашрида шу ҳолатдаги Муҳаммад Аваз Моҳбонуга мурожаат қилади: “Бул ҳаракатимга ҳукмдор жаноблари қандоқ қарар-кинлар?”<sup>1</sup>

Иккинчи нашрда эса бу вазият Муҳаммад Авазнинг тилида янграмайди, аксинча, кўнглидан кечади, яъни ёзувчи бу жараёнда руҳий ҳолат тасвирига кенг ўрин беради. Бундай психологик жараён бадиий образ даражасини яна-да оширади. Муҳаммад Аваз асарда устоз кадрини ҳар нарсадан юқори тутадиган инсон сифатида ҳаракатланади. Устозларидан хабар олишни уларга ёрдам қўлини чўзишни ҳеч қачон қанда қилмайди. Муҳаммад Аваз устози Мулла Абдужаббор ҳолидан хабар олиш мақсадида унинг олдида боргани, у билан курган суҳбати асносида устози томонидан айтилган фикрларнинг келтирилиши бу лавҳага яна-да ўткир руҳ олиб киради, яъни бу қаҳрамон тилидан шогирд устоз олдидаги қарзни узиш учун, биринчидан, у устозидан ўрганган хунарини ҳор қилмаслиги кераклиги, иккинчидан, устозининг сўнгги дақиқаларида шогирд унинг ёнида бўлиши зарурлигини баён этиши асардаги устоз-шогирд анъанаси муҳимлигига алоҳида ургу берган.

Асарда устоз Мулла Абдужаббор образи талқинида тасаввуфна руҳ сезилиб туради. У томонидан айтилган умр ўткинчилиги, мол-дунёнинг эса ҳаммадан қолиши ҳақидаги кичик ривоятнинг келтирилиши қаҳрамондаги сўфийларга хос сифатлар мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, асарда Мавлоно Давоий образида ҳам бу жиҳатлар кўзга ташланади. Адибнинг бошқа асарларидаги образларда ҳам худди шундай ҳолатлар кузатилади. Масалан, “Паҳлавон Муҳаммад” романида Муҳаммад Молоний образи, “Мезон буржи” қиссасида эса Мавлоно Аҳмад образларини яратишда тасаввуф таълимотига хос жиҳатларни уларнинг хусусиятларига сингдириб юборади. Бу тасвир усули эса асар бадиий қўламини яна-да кенгайтиради, асар яратишда ёзувчи услубининг ўзига хос бир қирраси сифатида ҳам намоён бўлади.

Муҳаммад Аваз образи ўз даврининг улуг устаси бўлиши билан биргаликда кўнгилик кишиси ҳамдир. Бу ҳолни, айниқса, Баҳодир Ялангтўшбийнинг қизи Моҳбонуга бўлган муносабатида кўришимиз мумкин. У бу қиз билан дастлабки учрашувиданоқ бутун вужуди билан унга бўлган ўзгача туйғуни ҳис қилади ва унга ипсиз боғланади. Тақдир инояти билан юз берган муҳаббат учқунининг дастлабки заррасини ҳам адиб қаҳрамоннинг меҳ-

<sup>1</sup> Асад Дилмурод. Кўчки. “Ёзувчи”, Тошкент, 1991, 132–144-бетлар.

нат фаолияти билан боғлаб кўрсатади. Бу лавҳа ҳам ўта табиий ва жонли чиқади. Моҳбону образи ҳукмдор қизи, юрт маликаси бўлишига қарамай, Муҳаммад Аваз тили билан айтганда, меъморлигу наққошлик билан эгизак бўлган мусаввирлик бобидан тенгсиз эди. Шундай бўлса-да, у ўз ишидан қониқмайди. Қиз чизган расмларини устози Муҳаммад Дареш Самарқандийнинг отаси билан бўлган келишмовчиликлар туфайли кетиб қолганига қадар унга баҳолатар эди. Шундан сўнг расмларини кимгадир баҳолатишни, унинг камчиликларини тузаттиришни астойдил хоҳлайди. Шу вазиятда тақдир инояти билан унга Муҳаммад Аваз дуч келиши ва у билан бу борада тил топишиши, иккаласи ўртасида муҳаббат риштаси пайдо бўлиши ҳодисаси бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Муҳаммад Авазнинг Моҳбону суратахонасига ташриф буюрган чоғидаги ҳолатида унинг хайрати оддий хайрат эмас, балки соф муҳаббат хайрати, ҳам маҳоратли мусаввирнинг истеъдод намуналари олдидаги чексиз хайрати эди. Шу ҳолатдаги Муҳаммад Авазнинг руҳий кечинмалари адиб томонидан ўзига хос ифода этилади, натижада бу образ моҳияти, ички олами батафсил очилади. Ёзувчи Муҳаммад Авазнинг Моҳбонуга бўлган муносабатига мусаввирликдек катта санъатни асос қилиб олади. Икки ёшнинг муносабатларига қизнинг қилган ҳадяси маҳбуби руҳий оламини янгидан яратади. Бу янгилиниш жумбоқ асосига қурилади. Бу совга офтоб, шер ва оҳу қиёфаси туширилган палак эди. Худди шу жой асар тугунини ташкил қилиб, китобхонни ҳам ечим сари ҳаракатлантиради. Ажиб уйғунлик касб этган бу мажозийлик тагида қандай маъно борлигини ечишга бутун вужуди билан киришган Муҳаммад Аваз руҳий ҳолати ҳам кўнглидаги соф муҳаббат билан қоришиб кетади. Бу ҳамоҳанглик адиб ижодида қуйидагича тавсифланади: “Муҳаммад Аваз бир сўз айтишга ожиз, музлаган каби тили айланмас, хайратини яширолмай орзиқар, гоҳо нимадир бўғзини чўгдай қуйдирар эди. Қил қалам билан бўёқлар шу қадар қудратли бўлиши мумкинлигини, қаҳр ила шафқат аталмиш бир-биридан бениҳоя олис туйғуни қай йўсинда шу қадар аниқ ифода қилай олганлигини ақлига сигдиролмас эди”.<sup>1</sup>

Муҳаммад Аваз Моҳбону маҳорат майдонида тугилган бу суратни унинг суратхонасида иккинчи бора кўраркан, унинг сеҳрига тобора хайратланди. Бу сеҳр кучи унга шундай бир буюк қудрат ато этадики, бунинг натижасида у “мангуликка дахлдор эзгулик қошонасига муҳаббат рамзини жойлайди”.<sup>2</sup> Адиб Муҳаммад Авазнинг улуг кучга қарши чиқиб, бу жараёни амалга ошириш ҳолатини асар тугунидан бошлаб, то ечимига қадар шундай изчиллик билан олиб борадики, бу тасвирлар асардаги табиийликни таъминлайди. Бунга Моҳбону томонидан тақдим қилинган палак деталлари, ундаги тасвирлар сирини ечишга қаратилган ҳаракатлар жараёнидаги кучли руҳий изтироблар сабаб бўлади. Муҳаммад Аваз томонидан маҳобатли обида пештоқига туширилган суратнинг шоҳу улусга тақдим этилишини, бу пайтдаги образларнинг ботини ва зоҳиридаги ўзгаришларни ёзувчи кучли драматизмга бой лавҳаларда тақдим этади. Асарда уста меъморнинг сирли тасвир акс этган палакни қўлига олиб, ундан хайратлангани ҳолати асар тугунини ташкил этса, бу суратни иккинчи бора Моҳбону суратхонасида кўриши ва уни маҳобатли “Шердор” мадрасаси пештоқига муҳрлаши асар кульминациясини ташкил этади. Асарда воқеалар ривожига изчиллик ёзувчи томонидан пухта ишланган. Ўша даврда жонлик суратини чизиш шариатга хос иш эмас бўлса-да, Муҳаммад Аваз ҳеч нарсадан чўчимай бор илму ҳунарини ишга солиб, давлат бошлиғи Баҳодир Ялангўшбий бошқа суратни тарҳ қилишини буюрган бўлса ҳам, у сиру синоатга тўла офтоб, шер ва оҳу қиёфаси туширилган суратни мадраса пештоқига битади. Бош вазир Бобоҳўжа Муслим пештоқдаги суратни қуйидагича талқин қилади:

– Маъноси булдир: ул нодону ноқобил мазлумларни оҳуга, сиз каби дасти узун ҳукмдорларни шерга менгзаган, яъниким, улус шер чанғалида жон таслим қиладиган оҳу демак бўладир.

<sup>1</sup> Асад Дилмурод. Мезон буржи. Т., “Ўзбекистон”, 2009, 106–149-бетлар.

<sup>2</sup> Исломжон Ёқубов. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Т., “Фан”, 2008, 30-бет.

– Ё алҳазар! – Ялангтўш қорачикларида Муҳаммад Авазга таниш, ҳатто тошни ёр-гудек қаҳр чақмоғи ялт ёнди. – Бул чинми, меъмор жаноблари?

– Вазири аъзам донолик қилдилар, – деди Муҳаммад Аваз оҳиста эгилиб.

– Сиз дастлабки тархни нечун менсимадингиз?

– Халойиққа ҳақиқатни кўргузмакни ният қилдим.<sup>1</sup>

Бу ҳолатда ёзувчи Баҳодир Ялангтўшбийнинг қаҳр билан тўлган ички туғёнини мураккаб ҳолатда акс эттиради. Китобхон ҳам воқеалар ривожини ўқимасданок, Муҳаммад Аваз тақдирини нечоғли аянчли кечишини ҳис қилади, ачинади. Муҳаммад Аваз илму маърифати юксак, моҳир уста. Унинг подшонинг қаҳру ғзабига дош бериши, зукколик ва вазминлик билан саволига жавоб бериши асарда образ хусусиятига мос тарзда тасвирланади. Ёзувчи бундай ҳолатда Муҳаммад Аваздаги кучли жасоратни, бу жасоратдан қаҳрга тўлган Ялангтўш характерини кучли драматизм билан янада бойитади. Асардага бу боғлиқлик ёзувчи маҳоратини далолатлайди. Бу фикр тасдиғи сифатида қуйидаги жумлаларга эътибор қаратсак: “Залворли янграган сўзларни безовтахол тинглаб, кўкси оғир қалққан Ялангтўш чурқ этолмай қолди, аста-секин баданини совуқ тер босди-да, исфахоний ханжар дастидан ажралмайдиган забардаст қўли ожизона титраб кетди. Теварагида мавжуд жамики нарса кўзига бадбин ва хунук бўлиб кўринди, агар ҳозир Аршу аълодан ваҳий келиб, пештоқ кулаб тушса, етти қават ер тагига кириб ғойиб бўлса, енгил нафас олар эди. Дасти юлдузга етган тақдирда ҳам бу истаги мустажоб бўлмайди. Сеҳри, жозибаси ва қудрати билан нигоҳларини қамаштирган Шердор аллақачон бекатсиз олис сафарга отланган эди”.<sup>2</sup> Образ руҳий ҳолатидаги бундай кескин ўзгариш характер яратишдаги ўзига хосликни таъминлайди. Асардаги кейинги воқеалар ривожини эса Моҳбонунинг мадраса пештоқидаги тасвир сирини очиши билан бевосита боғланиб кетади. Вазир Бобоҳўжа Муслим томонидан нотўғри талқин қилинган сурат аслида салбий жиҳатни ўзида қамрамаганлиги ва муаллиф маликанинг тасвирга изоҳ бериши майдондаги йиғилганларни жумбушга келган кўнглини таскин топтиради. Яъниким, пештоқда икки фалак буржи тимсоллар орқали ифодаланган. Пештоқ икки бурчагини эгаллаган шамс куёш йилига ишорадир. Асарда бу тасвир ўзига хос ечим ҳисобланиб, Моҳбону томонидан қуйидагича талқин қилинади: “- Сизга яхши аёнким, ҳазратим, куёш йил бўйи ўз чизигида жойлашган ўн икки юлдузлар туркуминини – ўн икки буржини босиб ўтадур. Илму нужум соҳиблари йиллар баробарида фалак буржларини ҳам ҳайвонларга мезгаганлар. Ана шунга биноан, бешинчи ой асад, яъни шер, ўнинчи ой жадий яъни тоғ эчкиси, ёким кийик қиёфасида тасаввур қилинадур. Муаззам пештоққа шулар кошинкорий бўлибдирки, бу фақат таҳсинга лойиқ!...”.<sup>3</sup> Моҳбонунинг суратни бу таҳлитда талқин қилиши, нафақат ҳукмдорни, балки унинг атрофида йиғилган бутун оломонни ҳайратда қолдирди. Баҳодир Ялангтўшбийдек ҳукмдор Муҳаммад Аваз устидан чиқарган ўлим жазосини бекор қилиб, юртдан бадарға қилиш ҳолатини ёзувчи шу асосга кўра ифодалайди. Мадраса очилишидаги оломон тасвири ҳам, образлар руҳиятига хос чизгилар ҳам ёзувчи томонидан пухта ишланганки, бу ҳолат ўқувчи диққатини эътибордан четда қолдирмайди.

Асарнинг иккала вариантини солиштириганда яна баъзи бир ўринлар эътиборни тортади. Мустақиллик сари ташланаётган илк қадамлар чоғида ҳали у қадар эрк деган тушунчанинг кенг қулоч ёймагани таъсиридами, ёки узок йиллик мустабид тузуминининг зуғуми йўқолиб улгурмаганлиги боисми, “ўйлаб” гапириш, таъқиқланган урф-одатларимизни тилга олавермаслик “одат” эди. Шу боисдан асарнинг биринчи нашрида адиб Наврўз ҳақидаги тасвирларга кенг ўрин бермайди. Адиб Наврўз сўзи ўрнида баҳор сўзини қўллайди, нари борса бу сўз ўрнида сайил, кўклам сўзларини ишлатади. Асарнинг кейинги нашрида

<sup>1</sup> Асад Дилмурод. Мезон буржи. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009, 304-бет.

<sup>2</sup> Исломжон Ёқубов. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 4-сон, 2008, 30-бет.

<sup>3</sup> Асад Дилмурод. Мезон буржи. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2009, 307-бет.



эса, Наврӯз байрамига адиб анчайин кенг ўрин беради. Иккинчи нашрда биринчи нашрга караганда Наврӯз байрами тасвири, байрам шукуҳи, у ердаги инсонларнинг байрамона қиёфалари анча таъсирли даражада акс эттирилганлигига ҳам юқоридаги асос сабаб бўлган дейиш мумкин.

“Шердор” қиссасида олис ўтмиш акс этган бўлса-да, асарнинг бугунги кун ёшлари тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга жиҳатлари анчагина. Айниқса, асарда акс эттирилган устоз-шогирд анъанаси, фарзанднинг ота-онасига чексиз ҳурмати, касбга бўлган садоқат, ёрга вафодорлик каби чин инсоний ҳислатлар бугунги кун ёшларининг таълим ва тарбиясида уларнинг маънавий қиёфалари шаклланишида қўл келиши мумкин. Умуман олганда, адибнинг кўнгил кўридан сизиб чиққан, унинг оташида тобланган туйгулари асос бўлгани учун ҳам бу асар чинакам бадииятга эга. Адиб асарларининг, хусусан, “Шердор” қиссасининг ўқимишлилигига ундаги ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқиманинг ёзувчи маҳорати туйфайли мутаносиб тарзда шакллантирилганлиги сабаб бўлган.

## MUNDARIJA

### 1-OKTABR – O‘QITUVCHILAR VA MURABBIYLAR KUNI

<b>С.Давлетов.</b> Энг шарафли, энг фахрли ва энг масъулиятли касб эгалари.....	3
---	---

## MATEMATIKA

<b>D.Qalandarova, Y.Ruzimova.</b> Musbat gessianlar bilan differensial formalar orasidagi bog‘lanish.....	5
<b>Q.Axmedov, J.Abdullayev, Z.Matyoqubov.</b> Koordinatalar metodining ba’zi geometrik masalalarga tatbiqi.....	9

## QISHLOQ XO‘JALIGI

<b>T.Jumaniyozova.</b> Xorazm sharoitida yetishtiriladigan qovun navlarining biologik, morfologik va ekologik xususiyatlari.....	13
--	----

## TIBBIYOT

<b>С.Исмоилов, Б.Ниязатов, Н.Ибрахимова.</b> ТТА Урганч филиалида таълим олаётган айрим талабаларнинг антибиотикларни ўзларида қўллашлари натижаларининг қиёсий таҳлили.....	16
<b>К.Шукурлаев, Б.Бекчанов.</b> Изучение антиэкссудативной антипролиферативной активности нового кремнийсодержащего производного пиразола парахлорбензойной кислоты.....	18

## TILSHUNOSLIK

<b>Д.Аҳмедова.</b> Форс тили газета матнларида сифатлар грамматик шакллари қўлланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	22
<b>Н.Абдуллаева.</b> Инглиз ва ўзбек тилларидаги дўстликка оид мақолларнинг лингвомаданий хусусиятлари.....	25
<b>A.Primov, Sh.Aqmanova.</b> Biblionimlarning nutqiy-kommunikativ va funksional xususiyatlari.....	30

## ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Р.Файзуллаева.</b> Мусажжаъ кофия, мусажжаъ газал ва мураббаънинг назарий-жанрий хусусиятлари.....	34
<b>Z.Mamatalimov.</b> Anvar Obidjon asarlarida Navoiy dahosiga ehtirom.....	38
<b>Ш.Тўлагонова.</b> Туркий адабиёт тарихида анъана ва маҳорат масаласи.....	41
<b>Н.Жуманиязова, Г.Латипова.</b> Истиклол даврида шеърятда услуб ва ижодий индивидуаллик.....	44
<b>Д.Тўраева.</b> Характер яратишда ёзувчи маҳорати масаласи.....	47

## PEDAGOGIKA

<b>А.Аширова, И.Балтаева, Ф.Ўлдошов.</b> “Дастурлаш асослари” фанини ўқитишда инновацион ёндашув.....	53
<b>В.Тухтаева.</b> Umumta’lim maktablarida Abdulla Qahhorning “Dahshat” hikoyasini “Muammo”, “O‘rgimchak to‘ri” texnologiyalari asosida o‘tish yo‘llari.....	56
<b>N.Xudayberganova.</b> Oliy ta’lim muassasalari talabalarida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish masalasi “Harakatlar strategiyasi”ning ustuvor vazifasi sifatida.....	60
<b>Д.Раджапова.</b> Совершенствование профессионально-ориентированной иноязычной компетенции студентов высшего медицинского образования.....	63

<b>Ф.Ибрагимова.</b> Возможности внеаудиторных занятий у будущих учителей английского языка по формированию интереса к культуре Англии как фактор профессионального совершенствования.....	66
<b>Г.Аллаярова.</b> Пути формирования мотивации на уроках русского языка обучения.....	70
<b>N.Iskanova.</b> The beneficial ways of teaching other subjects through English.....	74

#### **ILMIY AXBOROT**

---

<b>А.Примов.</b> Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома” асарининг эски ўзбек тилида қилинган таржимасидаги лексик антонимлар ҳақида.....	79
<b>Sh.Aqmanova.</b> O‘zbek tili btlblionimlarining tuzilishiga ko‘ra turlari.....	82
<b>Д.Гаппарова.</b> Краткая сравнительная характеристика клинической терминологии в латинском, узбекском и немецком языках.....	85
<b>N.Ochilova.</b> Badiiy tarjimada tarjima metodlari va ularning Mark Tvenning “Tom Soyerning sarguzashtlari” asari tarjimasida qo‘llanilishi.....	88

#### **FANIMIZ ZAHMATKASHLARI**

---

<b>Р.Йўлдошев, А.Примов, Д.Гайипов.</b> Таникли тилшунос, мохир педагог ва меҳрибон устоз.....	93
--	----

## MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola **Times New Roman** shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig'i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o'ngda 1,5 sm. bo'lishi kerak.
2. Har bir maqolada o'zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so'zlar bo'lishi shart.
3. Maqola muallif imzosi bilan bir nusxada hamda elektron variantda topshirilishi lozim.
4. Maqola tahrir hay'ati a'zosi tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilindi.
5. Har bir maqolada muammoning qo'yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchliligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asoslilikiga e'tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro'yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan) iborat bo'lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Muallifning ism-familiyasi, ilmiy unvoni va ilmiy darajasi, lavozimi, telefoni, to'liq manzili ilova qilinishi lozim.
11. Mualliflar jurnalda e'lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universiteti-ning rivojlantirish jamg'armasining quyidagi **hisob raqamiga** pul o'tkazishlari mumkin.

**Urganch davlat universiteti**

**Manzili: H. Olimjon ko'chasi, 14-uy.**

**Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)**

**Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001**

**INN: 201651846 OKONX: 92110**

**Moliya vazirligi g'aznachiligi**

**h/r: 2340 2000 3001 0000 1010**

**Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM**

**INN: 201122919 MFO: 00014**

**To'lov maqsadi – "Ilm sarchashmalari" jurnaliga maqola uchun**

# “ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Oybek Qalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Azamat Primov**

Terishga berildi: 20.09.2017  
Bosishga ruxsat etildi: 30.09.2017.  
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.  
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.  
Adadi 150. Buyurtma №. 44  
Hisob-nashriyot tabag‘i 8.  
Shartli bosma tabag‘i 7,4.  
UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.  
Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)  
Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)

**INDEKS 1072**

ISSN 2010-6246



9 772010 624002